

2011 6-сон

Айбдорнинг жиноий ҳаракатлари ортиқча моддалар билан квалификация қилинганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 22 сентябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу вилоят судининг 2009 йил 7 августдаги ҳукмига асосан А. Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисми «и» банди билан 15 йил, 165-моддаси 1-қисми билан 3 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 15 йил 3 ой, Жиноят кодексининг 60,61-моддалари тартибида узил-кесил 15 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жазони ўташ муддати 2009 йил 7 августдан бошлаб ҳисобланиб, эҳтиёт чораси тариқасида 2009 йил 24 мартдан 2009 йил 7 августга қадар қамоқда сақланган вақт тайинланган жазодан чегирилиб, ўташ учун 15 йил 1 ой 17 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилган, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, А. 2009 йил 23 март куни соат 17 ларда спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда, ўзганинг мулкини товламачилик йўли билан қўлга киритиш ҳамда таъмагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш мақсадида, Шаҳрисабз тумани “Чорсу” бозорига қарашли янги автошоҳбекатда паттаци бўлиб ишловчи Б.нинг ёнига келиб, уни зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, товламачилик йўли билан 500.000 сўм пул талаб қилган. Шу боис А. билан Б. ўртасида юзага келган жанжал пайтида А. ёнида бўлган пичоқ билан Б.ни қасддан ўлдириш мақсадида, ҳаёти учун муҳим бўлган органи — бўйин соҳасига бир марта уриб, Б.га соғлиғининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил шикаст етказган. Шундан сўнг А. яна пичоқ урмоқчи бўлганида Б. З.нинг бошқарувидаги автомашинага ўтириб

қочиб кетганлиги сабабли А. жиноий режасини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказа олмаган.

Жиноят процессуал кодексининг 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши назарда тутилган.

Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги **“Суд ҳукми тўғрисида”**ги қарорининг тўртинчи бандида судланувчи томонидан тергов ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан холисона тасдиқлангандагина айблов ҳукми чиқарилишига асос бўлиши, бу талаб айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва судланувчининг айбдорлиги суд муҳокамаси жараёнида исботланган тақдирдагина чиқарилиши лозимлиги ҳақидаги Жиноят процессуал кодексининг 463-моддаси мазмунидан келиб чиқиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ иш бўйича ушбу қонун талаби ҳамда Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Суд А.нинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда Б.ни қасддан ўлдириш жиноятини охирига етказа олмаганлиги ҳақида тўғри қарор қабул қилган бўлса-да, Б.га нисбатан товламачилик қилганлиги ҳақида барвақт хулосага келган.

Суд А.нинг товламачилик йўли билан Б.дан 500.000 сўм пул талаб қилиб, товламачилик ниятида уни қасддан ўлдиришга суиқасд қилганлиги ҳақида хулосага келишда Б.нинг кўрсатмасини асос қилиб олган.

Иш материалларига қараганда, А. онаси В.ни ишдан кетишига, кейинчалик автоҳалокатда вафот этишига гўёки Б. айбдор эканлигини гумон қилиб, 2009 йил 23 март куни спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда Б.ни

учратиб қолиб, жанжаллашган. Жанжал пайтида А. Б.ни қасддан ўлдириш мақсадида унинг бўйин қисмига пичоқ урган. Аммо Б. қочиб кетганлиги сабабли ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жиноятини охирига етказа олмаган.

Бироқ А.нинг таъмагирлик ниятида Б.ни қасддан ўлдиришга суиқасд қилиш, товламачилик йўли билан пул талаб қилиш жиноятларини содир этганлиги суд мажлиси давомида ўз исботини топмаган.

Судланган А. дастлабки тергов ва судда воқеа куни Б. билан жанжаллашиб қолганлиги, Б. уни урганлиги сабабли у ерга йиқилганлиги, шунда у ерда ётган шифер бўлагини олиб, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида Б.га урганлиги, Б.дан пул талаб қилмаганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ У. судда А. маст ҳолатда келиб Б. билан жанжаллашганлиги, жанжал пайтида А. Б.ни шоҳбекатни онасидан тортиб олганликда айблаганлигини эшитганлиги, аммо А. Б.дан пул талаб қилганлигини эшитмаганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Жиноят ишида А. товламачилик йўли билан Б.дан пул талаб қилиб, уни таъмагирлик ниятида қасддан ўлдиришга суиқасд қилганлигини тасдиқловчи далиллар тўпланмаган.

Жиноят процессуал кодексининг 23-моддаси 3-қисмида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти, уларни бартараф этиш имконияти тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги назарда тутилган.

Бундан ташқари Жиноят процессуал кодексининг 468-моддаси 1-қисми 6-бандида жазо тайинлашда ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган вақт жазо муддати ҳисобига киритилиши назарда тутилган.

Бироқ суд А.га нисбатан жиноятлар ҳамда ҳукмлар мажмуи бўйича тайинланган жазодан А.нинг дастлабки тергов ва судда қамоқда сақланган

вақтини чегириб ташлаб, жазо муддатини ҳукм эълон қилган кундан бошлаб ҳисоблаган.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича Олий суд судлов ҳайъатининг 2011 йил 18 августдаги ажрими билан А.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, А.нинг айбидан Жиноят кодексининг 165-моддаси 1-қисми чиқарилиб, жиноят ишининг шу қисми тугатилди, А.нинг жинойий ҳаракати Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисми “и” бандидан шу кодекснинг 25,97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, унга Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 1-қисми билан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди, Жиноят кодексининг 61-моддасига асосан А.га нисбатан илгариги ҳукм билан тайинланган 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган 2 йил 4 ойининг ҳар уч куни озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига алмаштирилиб, Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида бир неча ҳукмлар юзасидан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил 11 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Назорат иши ЖСХ-191-11